



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 15 » may

№ 246

Toshkent sh.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2025 йил 5 майдаги ЎРҚ–1062-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 12 августдаги ПФ–130-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун ер участкаларини ажратиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 12 апрелдаги ПҚ–204-сон қарорига мувофиқ Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) ташкил этилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 12 августдаги ПФ–130-сон Фармонига мувофиқ **“Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграциялашув платформаси** (кейинги ўринларда – Агропортал) орқали:

қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасини ўзгартириш юзасидан аризалар бериш, уларнинг ҳолатини онлайн кузатиб бориш ва натижаларини тақдим этиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича белгиланган тартибда тўланадиган компенсация тўловини автоматик ҳисоблаш, тўловларни амалга ошириш ва ундирилган тўловлар ҳисобини юритиш амалга оширилиши белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш юзасидан таклифларни тайёрлаш, таклифларни кўриб чиқиш, Хукумат комиссияси томонидан ваколатли органларнинг хулосалари асосида тегишли қарор қабул қилиш **Агропортал** орқали амалга оширилишини назарда тутувчи **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Хукумат комиссияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини ҳисоблаш, қоплаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарларни қоплаш тартибини назарда тутувчи **Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Белгилансинки:

Хукумат комиссиясининг фаолияти ҳамда ушбу комиссияга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг фойдаланиш турини (қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига) ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг компенсация тўловлари тўғрисидаги маълумотлар **2026 йил 1 июлдан бошлаб фақат Агропортал орқали амалга оширилади;**

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлари тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказилган ер участкаси **Агропортал** орқали **“YERELEKTRON”** ААТга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун юборилади ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори ер участкасининг бошланғич нархига қўшилган ҳолда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг рухсат этилган фойдаланиш турини (қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига) ўзгартиришда ушбу ер участкаси эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг мазкур ер участкасига бўлган ҳуқуқлари сақлаб қолинади ҳамда туман (шаҳар)лар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига қайтариш талаб этилмайди;

қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказилаётган ер участкаси эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни қоплаб берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ва кўп квартирали уйлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 24 февралдаги ПФ–29-сон Фармонида мувофиқ кўп квартирали уйлар қурилиши учун танланган ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ер фонди тоифаси ўзгартириладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифлар фақатгина қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда кўриб чиқилади:

1 – 4-тоифаларга кировчи ер участкалари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслиги ҳақидаги масала тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашида кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган бўлса;

тегишли ҳудудда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилиши яқин ва узоқ истиқболда озиқ-овқат хавфсизлигига ва барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмаслиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хулосаси мавжуд бўлса;

1 – 4-тоифаларга кировчи ер участкаларида урбанизация мақсадларидан келиб чиқиб, реновация, қайта ихтисослаштириш, реконструкция қилиш ва бўш турган ерлардан фойдаланиш имкониятлари Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси томонидан таҳлил қилинган ҳолда тегишли ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш зарурати юзасидан ижобий хулоса берилган бўлса.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой** муддатда Ҳукумат комиссиясининг фаолияти ҳамда ер участкаси тоифасини ўзгартириш жараёнларининг **Агропортал** орқали электрон шаклда амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага мувофиқ** айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **4-иловага мувофиқ** айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

8. Ушбу қарор 2026 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 15 ” майдаги 246-сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг
ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича
Ҳукумат комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Агропортал – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш юзасидан танланган ер участкалари бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли ташкилотлар билан келишишга мўлжалланган “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграциялашув платформаси;

“Агробиллинг” ахборот тизими – ахборот тизими хизматларидан фойдаланганлик учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг қишлоқ хўжалиги ягона биллинг тизими;

буюртмачи – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш юзасидан таклиф киритган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари;

ер фонди тоифасини ўзгартириш – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларини уларнинг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартириш орқали ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш;

ер тузиш лойиҳаси – суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсирни инобатга олган ҳолда тегишли объектни жойлаштириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг қисқариши билан боғлиқ зарарлар, тугалланмаган харажатлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги кўрсатиб ўтилган ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатлар тўплами;

ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш жойига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

ижрочи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг худудий бўлинмалари;

ишчи орган – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

суғориладиган ерлар – қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий ёғингарчилик ҳисобидан етиштириладиган ерлар;

ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар – қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ушбу мақсадга мўлжалланган ерлар;

яйлов – чорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табиий қопламига эга ерлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари биринчи раҳбарлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни (кейинги ўринларда – ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф) Ҳукумат комиссиясига ишчи орган орқали тақдим этади.

4. Ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш, киритиш, кўриб чиқиш ҳамда Ҳукумат комиссияси томонидан ваколатли органларнинг хулосалари асосида тегишли қарор қабул қилиш тартиб-таомиллари Агропортал орқали амалга оширилади.

Бунда ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф ушбу ер участкаси эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари тўлиқ қопланиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфида бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олингандан сўнг Агропорталга киритилади.

5. Ҳукумат комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаси ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ўзгартирилади.

2-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш

6. Буюртмачи ҳар бир ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф юзасидан ер участкасидан рухсат этилган фойдаланиш турини белгиллаган ҳолда ер участкаси ҳужжатларининг йиғмажилдини шакллантириш ва ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Агропортал орқали ижрочиға буюртма беради:

давлат мулки сифатида рўйхатдан ўтказилган ер участкасининг рангли кадастр харитаси (координатали нукталари, чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема), жойлашган жойи (географик координаталари), умумий майдони, тоифаси ва тури (амалдаги ҳолат бўйича), кадастр рақами, контурлари сони ва рақами;

ер участкасидан қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳисобидан кутиладиган фойда тўғрисида маълумотлар;

ер участкасини бошқа тоифага ўтказиш ҳисобидан яратиладиган иш ўринлари ва бошқа самарадорлик кўрсаткичлари бўйича техник-иқтисодий асосномалар;

фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрига киритилган ер участкалари бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” давлат муассасаси томонидан ижрочи билан келишилган ҳолда шакллантирилади;

тоифасини ўзгартириш таклиф этилаётган, амалга ошириш режалаштирилган лойиҳа бўйича ер участкасининг тасдиқланган мастер-режаси. Бунда фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрига киритилган ер участкалари бўйича Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги “Ер қаъридан фойдаланиш маркази” давлат муассасаси томонидан бериладиган тушунтириш хати асос ҳисобланади;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш манбалари ва муддатлари, қоплашдан тушадиган маблағларни сарфлаш йўналишлари;

тупроқнинг унумдор қатламини сиририб олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тадбирлари, ушбу тадбирларни амалга ошириш муддатлари, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари;

тоифасини ўзгартириш таклиф этилаётган ер участкаси жойлашган ҳудуднинг ўзида ёки бошқа маъмурий-ҳудудий бирликда жойлашган, суғориладиган ерлар ўрнига уларнинг майдонидан кам бўлмаган майдонда икки йил ичида янгидан ўзлаштириладиган ва суғориладиган ерларга ўтказиладиган ер участкалари жойлашган жойи (географик координаталари), умумий майдони, тоифаси ва тури (амалдаги ҳолат бўйича), кадастр рақами, контурлари сони ва рақами тўғрисида маълумотлар, ушбу тадбирларни амалга ошириш муддатлари, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари.

Ҳар бир лойиҳага ўзига хос рақам берилади.

7. Ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф юзасидан ер тузиш лойиҳаси ижрочи томонидан тайёрланади.

Бунда ер тузиш лойиҳасини тайёрлаш ишлари буюртмачи буюртмасига асосан ижрочи томонидан шартнома асосида бажарилади.

8. Ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф юзасидан материаллар ижрочи томонидан Агропортал орқали ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ташкилотлар ва идоралар билан келишилади.

9. Ижрочи беш иш куни мобайнида Агропорталда қуйидаги маълумотлар асосида ер участкаси ҳужжатларининг йиғмажилдини шакллантиради:

Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармасидан ер фонди тоифаси ўзгартириладиган ер участкаларининг туман (шаҳар) ҳокимлиги тасарруфида бўш турган ер участкалари сифатида ҳисобга олингани бўйича маълумот;

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтидан ер участкасининг тупроқлари тўғрисидаги маълумотлар (типи, таркиби, сифати ва унумдорлиги);

Ҳудудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармасидан ер участкасининг сув билан таъминланганлик даражаси ва гидротехника иншоотлари бўйича хулоса;

“Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформасидан ер участкасининг захирага олинган ва (ёки) олинмагани, давлат рўйхатидан ўтказилгани ва (ёки) ўтказилмагани (кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида давлат реестридан кўчирма ва ер участкаси кадастр режаси) ҳамда ер участкасидаги мавжуд давлат кадастри объектлари тўғрисидаги маълумотлар;

“Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг ҳудудий филиалидан ерости ва ерусти газ қувурлари объекти бўйича маълумот;

“Ўзтелеком” АЖ ҳудудий филиалидан алоқа объектлари бўйича маълумот;

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ҳудудий филиалидан энергетика объектлари бўйича маълумот;

Автомобиль йўллари қўмитасининг ҳудудий бошқармасидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари объектлари бўйича маълумот;

“Темир йўл инфратузилма” АЖ “Минтақавий темир йўл узели” филиалларидан темир йўллар объектлари бўйича маълумот;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳудудий бошқармасидан табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар объектлари бўйича маълумотлар;

ҳудудий фавкулудда вазиятлар бошқармасидан ёнғинга қарши масофалар бўйича маълумотлар;

“Ўзтрансгаз” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖлари ҳудудий филиалларидан газ етказиб бериш қувурлари объектлари бўйича маълумотлар;

“Ўзсувтаъминот” АЖ таркибидаги ҳудудий сув таъминоти ташкилотларидан сув қувурлари объектлари бўйича маълумотлар;

ҳудудий маданий мерос бошқармасидан муҳофаза қилинадиган объектлар ва ҳудудлар бўйича маълумот;

худудий қишлоқ хўжалиги бошқармасидан ер участкасидан сўнгги 5 йил ичида фойдаланиш ҳолати, шунингдек, янгидан ўзлаштириладиган ер участкаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш бўйича маълумот;

худудий иқтисодиёт ва молия бош бошқармасидан қишлоқ хўжалиги нобудгарчилиги ҳисобини юритиш ва уни ишлатиш бўйича маълумот;

“Ўзбекгидрогеология” давлат муассасасининг Давлат геологик мониторинг хизмати худудий гидрогеология станциясининг янгидан ерларни ўзлаштириш учун ер участкасининг ерости сувлари тўғрисида хулосаси (лалми ва яйлов ерлар учун);

“Ер қаъридан фойдаланиш маркази” давлат муассасаси ер участкасида мавжуд ерусти ва ерости қазилма бойликлари ва конлари тўғрисида хулоса;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги худудий бошқармасидан амалга ошириладиган лойиҳа бўйича киритиладиган инвестициялар ҳисобидан кутиладиган фойда ҳамда яратиладиган иш ўринлари ва бошқа самарадорлик кўрсаткичлари бўйича техник-иқтисодий асосномалар тўғрисида маълумотлар (ер участкаси инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун танланганда);

худудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасидан тоифаси ўзгартирилиши таклиф этилаётган ер участкасининг тасдиқланган мастер-режаси, бош режаси, батафсил режалаштириш лойиҳаси бўйича лойиҳалаштирилаётган қурилиш учун хулоса;

Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси ва Ўрмон ва яшил худудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлигининг ўрмон фонди ерлари тоифасини ўзгартириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулосалари;

Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитасининг худудий бошқармаси ёки “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДМдан давлат экологик экспертизасидан ўтказилгани ҳақида хулоса.

10. Қуйидаги ҳолатларда ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилмайди:

танланган ер участкаси туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфида бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олинмаган ерлар тоифасини ўзгартириш бўйича таклифлар тақдим этилганда;

алоҳида қимматга эга бўлган ва тупроқ унумдорлиги туманнинг ўртача балл бонитетидан юқори бўлган унумдор суғориладиган ерлар;

ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф этилаётган ер участкасида ноқонуний бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилишлар мавжуд бўлганда;

қурилиш объекти жойлашув жойидаги ҳолатга мос келмаганда;

кўчмас мулк ва (ёки) кўп йиллик дарахтзорлар баҳоланмаганда;

ер фонди тоифаси ва (ёки) ер турида фарқ мавжуд бўлганда;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш манбалари ва муддатлари, қоплашдан тушадиган маблағларни сарфлаш йўналишлари, тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тадбирлари, ушбу тадбирларни амалга ошириш муддатлари, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари тақдим этилмаганда;

суғориладиган ерлар ўрнига уларнинг майдонидан кам бўлмаган майдонда икки йил ичида янгидан ўзлаштириладиган ва суғориладиган ерларга ўтказиладиган ер участкалари жойлашган жойи (географик координаталари), умумий майдони, тоифаси ва тури (амалдаги ҳолат бўйича), кадастр рақами, контурлари сони ва рақами тўғрисида маълумотлар, ушбу тадбирларни амалга ошириш муддатлари, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари тақдим этилмаганда;

моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг қўриқланадиган тегралари ерларига нисбатан;

ушбу Низомнинг 9-бандидаги ташкилотлар ва идоралардан салбий маълумот ёки хулоса тақдим этилганда.

Бунда ижрочи Агропорталга ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилмаслиги тўғрисида маълумотни киритиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш учун буюртмачига қайтаради.

11. Буюртмачи ижрочи томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, такрорий равишда муружаат қилади.

12. Ижрочи ер тоифасини ўзгартириш бўйича таклиф юзасидан буюртма асосида шартнома ҳужжатларини тайёрлайди ва буюртмачи билан ер участкасининг ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Агропорталда шартнома тузади.

13. Ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртмачи томонидан ижрочига Агропорталда тузиладиган шартнома асосида қуйидаги миқдорда тўловлар амалга оширилади:

ер участкасининг майдони 1 гектаргача бўлганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари;

ер участкасининг майдони 1 гектардан 10 гектаргача бўлганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари;

ер участкасининг майдони 10 гектардан 100 гектаргача бўлганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари;

ер участкасининг майдони 100 гектардан ортиқ бўлганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари.

Автомобиль йўли ва темир йўл линияси, электр линиясига устунлар ўрнатиш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш лойиҳа-смета ҳужжатларидан келиб чиқиб, тегишли шартнома асосида амалга оширилади.

Тўлов Агробиллинг тизими орқали амалга оширилиб, маблағлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖ (кейинги ўринларда – Ягона оператор)нинг банк ҳисобварағига йўналтирилади.

14. Ягона оператор уч иш кунида ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳасидан тушган маблағларнинг 11,25 фоизини – Агропортални такомиллаштириш, фойдаланувчиларни техник қўллаб-қувватлаш учун ўз банк ҳисобварағида олиб қолиб, қолган маблағлардан банк хизматлари бўйича тўловларни чегириб қолган ҳолда ижрочининг ҳисобварағига ўтказди.

15. Ижрочи буюртмачи билан шартнома тузилгандан кейин ўн иш куни муддатда (катта узунликдаги линияли объектлар бундан мустасно) электрон шаклда ер тузиш лойиҳасини тайёрлайди ва уни Агропортал орқали буюртмачига юборади.

16. Ижрочи ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни амалга оширади:

ер участкасининг амалдаги ҳолати билан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг мувофиқлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади;

қурилиш объектининг ер участкаси контурлари чегараси, ички йўллар ва сув хўжалиги объектлари бўйлаб, суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсирини инобатга олган ҳолда жойлаштирилаётганини аниқлайди;

қурилиш объекти шаҳар қурилиши ҳужжатларига тааллуқли бўлганда, тасдиқланган шаҳар бош режасидан нусха олади;

ер участкасида давлат кадастри объекти мавжуд бўлганда, ер тузиш лойиҳасини қўшимча тарзда давлат кадастрини юритувчи ташкилот билан келишади;

ер участкасида кўчмас мулк ва (ёки) кўп йиллик дарахтзорлар мавжуд бўлганда, туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан кўчмас мулк ва (ёки) кўп йиллик дарахтзорларни баҳолатиш ҳамда уларнинг баҳолатиш ҳужжатини ер тузиш лойиҳасига илова қилади.

17. Ер участкасининг ер тузиш лойиҳасида қуйидагилар акс этирилади:

қурилиш объектининг ердан фойдаланиш мақсадига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўзгартириш;

қурилиш объектини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлари орқали ўтказишда уларнинг ер участкаси контурлари чегараси, ички йўллар ва сув хўжалиги объектлари бўйлаб, суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсири инобатга олинган ҳолда жойлаштирилгани асосланиши;

қурилиш объектининг жойлаштирилиши ҳисобидан ер участкаси тупроғи унумдорлигининг пасайиши, ирригация ва мелиорация тизимининг бузилиши билан боғлиқ зарарлар;

ер участкасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори, уни қоплаш ҳамда сарфлаш муддатлари, сидириб олинган тупроқнинг унумдор қатлаמידан фойдаланиш манзиллари;

ер участкаси мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига етказиладиган зарарлар;

ер участкасида агротехника тадбирлари учун сарфланган харажатлар;

ер тоифаси ўзгартириладиган ердан охириги тўрт йилда олинган даромад (соф фойда);

янгидан ўзлаштириладиган ер участкасининг манзилли рўйхати.

18. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланиш турига кўра қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ушбу Низом талаблари асосида ўтказилади, бунда:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқлари сақлаб қолинади ҳамда туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига қайтариш талаб этилмайди;

қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказиладиган ер участкаси эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорлари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни қоплаб берилади.

19. Буюртмачи ҳар ойнинг 25-санасида ижрочи томонидан тақдим этилган йиғмажилд ва ер тузиш лойиҳаси асосида ер тоифасини ўзгартириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказиш бўйича таклифларни Агропортал орқали ушбу Низомга 2, 2а, 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ шаклда жамланган ҳолда, ишчи органга юборади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари биринчи раҳбарлари томонидан электрон рақамли имзоси билан расмий хат имзоланади.

20. Ишчи орган беш иш куни ичида:

буюртмачи томонидан киритилган ер тоифасини ўзгартириш, қишлоқ хўжалиги ерлари фойдаланиш турини қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказиш бўйича таклифларни кўриб чиқади ва умумлаштиради;

таклифларни ушбу Низомга 2, 2а, 3, 4, 5, 6 ва 7-иловаларга мувофиқ шаклда Ҳукумат комиссияси аъзоларига келишиш учун Агропортал орқали юборади.

Бунда суғориладиган ер участкаларини ер тоифасини ўзгартириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказиш бўйича таклифлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан имзоланадиган ушбу Низомга 8-иловада келтирилган намунавий шаклга мувофиқ хулоса тақдим этилади.

3-боб. Ҳукумат комиссияси аъзоларининг хулосаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш

21. Ҳукумат комиссияси аъзолари беш иш куни ичида ишчи орган томонидан Агропортал орқали тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиб, электрон рақамли имзолари билан имзолайди.

Бунда киритилган таклифлар юзасидан таклиф ва эътирозлар мавжуд бўлган тақдирда, Ҳукумат комиссияси аъзосининг расмий хати Агропорталга бириктирилади.

22. Ишчи орган беш иш куни ичида:

Ҳукумат комиссияси аъзоларининг таклиф ва эътирозлари, шунингдек, суғориладиган ер участкалари учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан тақдим этилган хулосалар асосида Ҳукумат комиссияси баёни лойиҳасини тайёрлайди;

тайёрланган Ҳукумат комиссияси баёни лойиҳасини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига Агропортал орқали юборади.

Бунда Ҳукумат комиссияси баёни лойиҳасига Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 9 ва 44¹-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси илова қилинади.

23. Вазирлар Маҳкамаси уч иш куни ичида:

Ишчи орган томонидан киритилган Ҳукумат комиссияси баёни лойиҳасини кўриб чиқиб, имзолаш учун Ҳукумат комиссияси раисига Агропортал орқали киритади;

Ҳукумат комиссияси баёнини расмийлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Агропортал орқали ишчи органга юборади.

24. Ишчи орган расмийлаштирилган Ҳукумат комиссияси баёнига асосан уч иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган тартибда киритади.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгандан кейин уч иш куни ичида ишчи орган томонидан белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

26. Ер фонди тоифасини ўзгартириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши қабул қилинганидан сўнг Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига уч иш куни ичида юборилади.

Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ер фонди тоифасини ўзгартириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойишида белгиланган муддатлар ва тартибда ер фондига ҳамда қишлоқ хўжалиги ерлари фойдаланиш турига тегишли ўзгартиришлар киритади.

27. Ишчи орган томонидан тоифаси ўзгартирилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар уч иш куни ичида куйидагиларга юборилади:

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш ёки жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш учун Агропортал орқали “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимига;

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказилган ер участкалари бўйича ижрочиға.

28. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ қопланмаган тақдирда, ер участкаларининг тоифасини ўзгартириш, ер ажратиш лойиҳасини натурага кўчириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларни тайёрлаш тақиқланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Ушбу Низом талабларини қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомга
1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|------------|-----------|-----------|
|-----------|------------|-----------|-----------|

I. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш

| | | | |
|----------|--|--|--|
| 1-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказиш бўйича таклифларни (кейинги ўринларда – таклиф) тайёрлайди ва мазкур таклифга йиғмажилд ва ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун “Ўздаверлойиҳа” илмий-лойиҳалаш институтининг худудий бўлинмасига Агропортал орқали мурожаат қилади. | Доимий |
| 2-босқич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг худудий бўлинмаси | 1. Таклифларни ташкилотлар билан Агропортал орқали келишади ва электрон шаклда хужжатлар йиғмажилдини шакллантиради. 2. Буюртма асосида шартнома хужжатларини тайёрлайди ва буюртмачи билан ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузади. 3. Ер тузиш лойиҳасини тайёрлайди ва уни Агропортал орқали буюртмачига юборади. | 5 иш куни ичида 1 иш куни ичида 10 иш куни ичида |
| 4-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | Таклифларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига (кейинги ўринларда – ишчи орган) Агропортал орқали киритади. | Ҳар ойнинг 25-санасида |
| 5-босқич | Ишчи орган | 1. Буюртмачи томонидан киритилган таклифларни кўриб чиқади ва умумлаштиради. 2. Таклифларни ушбу Низомнинг 2, 2а, 3, 4, 5, 6 ва 7-иловаларга мувофиқ шаклда Ҳукумат комиссияси аъзоларига келишиш учун Агропортал орқали юборади | 5 иш куни ичида |

II. Ҳукумат комиссияси аъзоларининг хулосаларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш

| | | | |
|----------|-----------------------------|--|-----------------|
| 1-босқич | Ҳукумат комиссияси аъзолари | Ишчи орган томонидан тақдим этилган таклифлар ва хулосаларни кўриб чиқиб, электрон рақамли имзолари билан имзолаб, тегишли баён шаклида қарорлар қабул қилинишини таъминлайди. | 5 иш куни ичида |
| 2-босқич | Ишчи орган | Ҳукумат комиссияси баёни лойиҳасини тайёрлайди ва кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига Агропортал орқали юборади. | 5 иш куни ичида |

| | | | |
|----------|--------------------|---|-----------------|
| 3-босқич | Вазирлар Маҳкамаси | <p>Хукумат комиссияси баёни лойиҳаси кўриб чиқилиб, Хукумат комиссияси раиси томонидан имзоланади.</p> <p>Хукумат комиссияси баёни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Агропортал орқали Ишчи органга юборади.</p> | 3 иш куни ичида |
| 4-босқич | Ишчи орган | <p>Хукумат комиссияси баёнига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган тартибда киритади.</p> | 3 иш куни ичида |
| 5-босқич | Ишчи орган | <p>Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.</p> | 3 иш куни ичида |

III. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ер фондининг бошқа тоифасига ўзгартириш ва белгиланган тартибда реализация қилиш учун тегишли органларга юбориш

| | | | |
|----------|--------------------|--|------------------|
| 1-босқич | Вазирлар Маҳкамаси | <p>Ер фонди тоифаларига ўзгартириш тўғрисида қабул қилинган тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва (ёки) Вазирлар Маҳкамасининг фармойишини Кадастр агентлигига юборади.</p> | 3 иш куни ичида |
| 2-босқич | Кадастр агентлиги | <p>Ер фондига ҳамда қишлоқ хўжалиги ерлари фойдаланиш турига тегишли ўзгартиришлар киритади.</p> | 15 иш куни ичида |
| 3-босқич | Ишчи орган | <p>Тоифаси ўзгартирилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни қуйидагиларга юборади:</p> <p>тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш ёки жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш учун Агропортал орқали “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимига;</p> <p>қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказилган ер участкалари бўйича ижрочига.</p> | 3 иш куни ичида |

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг
ер фонди тоифасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш
бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомга
2-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлари тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиладиган
суғориладиган ер участкалари
РЎЙХАТИ

| Т/р | Худуд номи | Ердан фойдаланувчи номи | Туман (шаҳар) ҳокимлиги тасарруфида бўш турган ер участкаси сифатида рўйхатга олинган қарор рақами ва санаси | Кадастр рақами | Контур рақами | Жами ер майдони, га | Шундан | | Тупроқ балл бонитети | Ер эгаси, фойдаланувчи ва ижарачиларга етказиладиган зарар миқдори, минг сўм | Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни, минг сўм | Сув билан таъминланганлик даражаси | Ер участкасидан кейинги беш йил ичида фойдаланиш ҳолати | Ўзгартириш таклиф этилаётган ер фонди тоифаси | Таклиф этилаётган фойдаланиш мақсади | Асос | |
|-----|------------|-------------------------|--|----------------|---------------|---------------------|-------------------------|-----------------|----------------------|--|--|------------------------------------|---|---|--------------------------------------|------|--|
| | | | | | | | суғориладиган ерлар, га | бошқа ерлар, га | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ. Таклифлар ишчи органга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг
ер фонди тоифасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш
бўйича Хукумат комиссияси тўғрисидаги низомга
2а-илова

Ер фонди тоифаси ўзгартириладиган суғориладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ер участкаларининг
қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш, сарфлаш, тупроқнинг унумдор
қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш, янгидан ерларни ўзлаштириш тадбирлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

| Т/р | Худуд номи | Суғориладиган ерлар, га | Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш | | | | Тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш | | | Янгидан ўзлаштириладиган ва суғориладиган ерларга ўтказиладиган ер участкалари | | | | | |
|-----|------------|-------------------------|--|---------|---------|---------------------------------|---|-------------------|--------------------|--|---------------|-------------|-----------------------|--|-------------------------|
| | | | миқдори, минг сўмда | манбаси | муддати | маблағларни сарфлаш йўналишлари | сақлаш манзили | фойдаланиш худуди | фойдаланиш муддати | худуд номи | контур рақами | майдони, га | амалга ошириш муддати | ерларни ўзлаштирадиган субъектлар номи | молиялаштириш манбалари |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

Изох. Таклифлар ишчи органга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг
ер фонди тоифасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш
бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомга
3-илова

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан (фойдаланиш турини ўзгартириш)
қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказиладиган суғориладиган ер участкалари
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Худуд номи | Ердан фойдаланувчи номи | Кадастр рақами | Контур рақами | Жами суғориладиган ер майдони, га | Тупроқ балл бонитети | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни, минг сўм | Ўзгартириш таклиф этилаётган қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар тури | Таклиф этилаётган фойдаланиш мақсади | Асос |
|-----|------------|-------------------------|----------------|---------------|-----------------------------------|----------------------|--|---|--------------------------------------|------|
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

Изоҳ. Таклифлар ишчи органга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг
ер фонди тоифасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш
бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомга
4-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлари тоифасидан ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиладиган
суғорилмайдиган (лалмикор, яйлов ва бошқалар) ер участкалари
РЎЙХАТИ

| Т/р | Худуд номи | Ердан фойдаланувчи номи | Туман (шаҳар) ҳокимлиги тасарруфида бўш турган ер участкаси сифатида рўйхатга олинган қарор рақами ва санаси | Кадастр рақами | Контур рақами | Жами ер майдони, га | Шундан | | | Тупроқ баил бонитети | Ер эгаси, фойдаланувчи ва ижарачиларга етказиладиган зарар миқдори, минг сўм | Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни, минг сўм | Ўзгартириш таклиф этилаётган ер фонди тоифаси | Таклиф этилаётган фойдаланиш мақсади | Асос |
|-----|------------|-------------------------|--|----------------|---------------|---------------------|--------------------------------------|-----------------|-----------------|----------------------|--|--|---|--------------------------------------|------|
| | | | | | | | суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, га | яйлов ерлар, га | бошқа ерлар, га | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ. Таклифлар ишчи органга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг
ер фонди тоифасини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш
бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомга
5-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан (фойдаланиш турини ўзгартириш) қишлоқ хўжалигига
хизмат кўрсатувчи ерлар турига ўтказиладиган суғорилмайдиган (лалмикор, яйлов ва бошқалар) ер участкалари
РЎЙХАТИ

| Т/р | Худуд номи | Ердан фойдаланувчи номи | Кадастр рақаами | Контур рақаами | Жами ер майдони, га | Шундан | | | Тупроқ балл бонитети | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни, минг сўм | Ўзгартириш таклиф этилаётган қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар тури | Таклиф этилаётган фойдаланиш мақсади | Асос |
|-----|------------|-------------------------|-----------------|----------------|---------------------|--------------------------------------|---------------------------|-----------------|----------------------|--|---|--------------------------------------|------|
| | | | | | | суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, га | ташландик (бўз) ерлар, га | яйлов ерлар, га | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ. Таклифлар ишчи органга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон
фонди ерларининг ер фонди тоифаларини
ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича
Хукумат комиссияси тўғрисидаги низомга
8-илова

Суғориладиган ер участкаларининг тоифасини ер фондининг бошқа тоифаларига
ўзгартириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан қишлоқ хўжалигига хизмат
кўрсатувчи ерлар турига ўтказиш бўйича

ХУЛОСА

| | |
|--|--|
| Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳри: | |
| Туман номи: | |
| Худуд номи: | |
| Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ердан фойдаланувчи номи: | |
| Кадастр рақами: | |
| Контур рақами: | |
| Умумий ер майдони (гектар): | |
| Ш.ж.: суғориладигани (гектар): | |
| Тупроқ балл бонитети: | |
| Ер эгаси, фойдаланувчи ва ижарачиларга етказиладиган зарар миқдори (сўмда) | |
| Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрни (сўмда) | |
| Ер участкасининг ўзгартириладиган ер фонди тоифаси: | ○ аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари |
| | ○ саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар |
| | ○ табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар |
| | ○ тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар |
| | ○ ўрмон фонди ерлари |
| | ○ сув фонди ерлари |
| | ○ қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ер турига ўтказиладиган ер участкаси |
| Таклиф этиладиган фойдаланиш мақсади: | |
| Ер фонди тоифасини ўзгартириш учун асос: | |
| Сўровномани кўриб чиқиш: | |
| Ер участкасини бўш турган ер участкаси сифатида ҳисобга олиш: | ○ Ҳисобга олинган ○ Ҳисобга олинмаган |
| Ер участкасидан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерлар сифатида фойдаланиш: | ○ Мақсадга мувофиқ ○ Мақсадга мувофиқ эмас |
| Ер фонди тоифасини ўзгартириш учун тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлари | ○ Мақсадга мувофиқ ○ Мақсадга мувофиқ эмас |

| | |
|---|---|
| Ер фонди тоифасини ўзгариши оқибатида сув билан таъминланиш даражасига таъсири | <input type="radio"/> Таъсир қилади <input type="radio"/> Таъсир қилмайди |
| Ер участкасининг сув билан таъминланганлик даражаси ва гидротехника иншоотлари мавжудлиги: | <input type="radio"/> Фоизда, мавжуд <input type="radio"/> Фоизда, мавжуд эмас |
| Сув хўжалиги объектлари бўйлаб, суғориладиган ерларга энг кам салбий таъсирининг инобатга олингани: | <input type="radio"/> Инобатга олинган <input type="radio"/> Инобатга олинмаган |
| Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга энг кам салбий таъсирини инобатга олган ҳолда жойлаштирилгани: | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |
| Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг миқдорини қоплаш манбаси ва муддати: | <input type="radio"/> Мавжуд, тўғри келади <input type="radio"/> Мавжуд эмас, тўғри келмайди |
| Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг миқдорини қоплашдан тушадиган маблағларни сарфлаш йўналишлари: | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |
| Тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш муддати, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари: | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |
| Суғориладиган ерлар ўрнига уларнинг майдонидан кам бўлмаган майдонда икки йил ичида янгидан ўзлаштириладиган ва суғориладиган ерларга ўтказиладиган ер участкалари, ушбу тадбирларни амалга ошириш муддатлари, ижрочилари ва молиялаштириш манбалари: | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |
| Ер фонди тоифаси ўзгартириладиган ер участкасидан келгусида фойдаланиш мақсади: | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |
| Ер участкасида ноқонуний қурилма (лар): | <input type="radio"/> Мавжуд <input type="radio"/> Мавжуд эмас |
| ХУЛОСА: | |
| Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |
| Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |
| Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги | <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ <input type="radio"/> Мақсадга мувофиқ эмас |

Берилган сана: 2026 йил “ ___ ” _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 15 ” майдаги 246-сон қарорига
2-илова

**Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари
ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон
хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек,
ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган
ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Фуқаролик кодексига мувофиқ ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.

Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

2. Зарарларнинг ўрни ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётганда тегишлича Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан, шунингдек, фаолияти ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер участкалари ижарачилари ҳамда мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига сабаб бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган тартибда қопланади.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларни қуришда ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган ва ер тузиш лойиҳасини тузадиган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал

хўжалиги вазирлигининг қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари (бош бошқармалари) томонидан баҳолаш ташкилотини жалб этган ҳолда ер участкасини танлаш босқичида аниқланади.

4. Ер участкаси олиб қўйиладиган ва ер участкаси ажратиладиган ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорлари кўрган зарарлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари бўйича аниқланган миқдорларига рози бўлмаган ҳолатда судга мурожаат қилишлари мумкин.

2-боб. Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг зарарларини қоплаш

5. Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарлари қуйидаги ҳолларда аниқланади ва тўлиқ ҳажмда (шу жумладан, бой берилган фойда) қопланади:

ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;

сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари, курорт табиий ҳудудлар зоналари, давлат биосфера резерватлари зоналари, давлат кўриқхоналари, буюртма кўриқхоналар, давлат табиат ёдгорликлари, моддий маданий мерос объектлари, сув ташламалари, йўллар, трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;

сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

6. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишлича мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган зарарлар қопланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасини ёки уларнинг бир қисмини жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ер участкасининг мулкдори ҳамда тегишлича

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари номидан тенг шартлар асосида тузиладиган ер участкасининг олди-сотди шартномасини тузиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 18-моддасида назарда тутилган чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёхуд турар жой ҳамда бошқа бино билан бирга ёки бинонинг бир қисми билан бирга жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олишда:

ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;
ер участкасининг бозор қиймати;

ер участкасида жойлашган кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати;
кўчиш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинча ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда (бунда ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектлари бўшатиб қўйилган пайтдан эътиборан аввалги фаолиятни тиклашга қадар бўлган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатдаги фойда ёки мавсумий ҳосилдан олиниши мумкин бўлган фойда ҳисобга олинади);

ҳуқуқ эгасининг қонунчилик ҳужжатларида ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарлари қопланади.

Ер участкалари ёки уларнинг бир қисми вақтинча эгаллаб турилганда:

юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулкида бўлган ер участкасининг қиймати;

турар жойлар, иморатлар ва иншоотлар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, агар ер олиб қўйилиши муносабати билан улардан бундан кейин фойдаланиш мумкин бўлмаса, ажратиладиган участкадан ташқаридаги объектлар қиймати;

мева-резавор, ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтлар қиймати;
тугалланмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қиймати;
бой берилган фойда қопланади.

Қишлоқ хўжалиги оборотига киритилган ва ўзлаштирилган ер майдонларига сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланади.

7. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер олиб қўйилиши билан боғлиқ ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган зарарлар қопланмайди.

8. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 18-моддасида назарда тутилган чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг мулки бўлган ер участкаси қиймати ерни олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда унинг бозор қийматидан келиб чиқиб, баҳолаш ташкилотлари томонидан аниқланади.

9. Турар жойлар, иморатлар ва иншоотлар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган, шунингдек, агар ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан улардан бундан кейин фойдаланиш мумкин бўлмаса, объектлар қиймати Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоланади.

10. Мева берадиган мева-резавор дарахтлари, шунингдек, ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтлар кўчатларнинг қиймати ҳамда уларни экиш ва мева бергунга ёки шох-шаббаларнинг туташиб кетишига қадар етиштириш харажатлари баҳолаш давридаги жорий нархлари бўйича баҳоланади.

Мева бермайдиган мева-резавор дарахтлари, шунингдек, шохлари туташмаган ихота дарахтлари ва бошқа кўп йиллик дарахтлар амалдаги харажатлар бўйича баҳоланади.

11. Сарфланган материаллар (уруғлик, минерал ва органик ўғитлар, заҳарли дорилар, гербицидлар ва ҳоказолар) қийматини ҳамда амалда бажарилган ишлар қийматини (тупроқни экишга тайёрлаш, тозалаш ва дренаж тармоғини тозалаш, уруғ экиш, суғориш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш ва бошқаларни) ўз ичига оладиган тугалланмаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қиймати бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари бўйича қабул қилинади.

12. Ер участкаларидаги бинолар ва иншоотлар бузилган ҳолда ер участкалари олиб қўйилиши билан боғлиқ юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси қиймати тегишли йиллар учун молиявий фаолият тўғрисидаги ҳисоботдан қабул қилинадиган охириги уч йилдаги йиллик ўртача соф фойдадан ва янги жойда фаолиятни тиклаш учун зарур бўлган даврдан келиб чиқиб аниқланади. Янги жойда фаолиятни тиклаш учун зарур бўлган давр ер участкасини олиш учун вақт, бузилиши керак бўлган бундай объектни лойиҳалаштириш ва қурилишнинг норматив муддатлари ҳисобланади.

Ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқаришда бой берилган фойда миқдори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариладиган ер участкасидан олиннадиган охириги уч йилдаги ўртача йиллик соф даромад миқдорининг янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, уларни маданийлаштириш ишлари ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича бошқа ишлар лойиҳалаштириладиган, бажариладиган тўрт йилга кўпайтирилган суммаси сифатида аниқланади.

Бир йилдаги соф фойда суммаси 1 га қишлоқ хўжалиги ерларига охириги 3 йилдаги ўртача йиллик соф даромаддан келиб чиқиб ва олиб қўйиладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонига кўпайтириш орқали аниқланади.

13. Ер участкаларининг бир қисми олиб қўйилиши ёки вақтинча эгаллаб турилиши натижасида суғориш, қуриштириш ва йўл тармоқлари, эрозияга қарши ва селга қарши объектлар ва иншоотлар (тизимлар) иши қисман ёки тўлиқ бузилганда ер участкаси ажратиладиган юридик ва жисмоний шахслар янги

объектлар ва иншоотлар (тизимлар)ни қуришга ёки мавжудларини реконструкция қилишга мажбурдир.

14. Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланиши муносабати билан юридик шахсларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрган зарарлари, агар муҳофаза, санитария ва ихота зоналари ўрнатилиши муносабати билан бинолар ва иншоотларни бузиш (кўчириш) ёки ерни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариш мўлжалланаётган тақдирда, қопланади.

Бинолар ва иншоотларни бузиш (кўчириш) билан боғлиқ ҳолда кўрилган зарарлар миқдори ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда аниқланади.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкалари ажратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида, зарурат бўлганда, уларнинг муҳофаза, санитария ва ихота ҳудудлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ер майдонлари, тури ва сифати, ушбу ҳудудларда ердан бундан кейин фойдаланиш режими, шунингдек, ушбу ҳудудларга ер участкаларига бўлган ҳуқуқ чекланиши билан етказилган зарарлар миқдори аниқланади.

15. Сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарахтлар учун зарарли моддалар чиқарадиган бошқа объектлар қуриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида юзага келган таъсир натижасида қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларнинг сифати ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган зарарлар миқдори қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашувига олиб келадиган сабабларни тугатиш бўйича тадбирлари ва ушбу ерларнинг илгариги сифат ҳолатини тиклаш бўйича тадбирлари қиймати сифатида аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ёмонлашган сифатини тиклаш учун зарур бўлган харажатларга тупроқ, агрохимё ва бошқа махсус текширишлар ҳамда лойиҳа-қидирув ишлари, шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ушбу экин майдонларининг сифатини тиклашни таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш харажатлари киритилади.

16. Ер участкаларини олиб қўйиш, қайта сотиб олиш ёки вақтинча эгаллаб туриш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари чекланиши ёхуд қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашуви туфайли уларнинг кўрган зарарларини, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаш учун мўлжалланган маблағлар уларга ер участкаси ажратиладиган тегишли юридик ва жисмоний шахслар томонидан зарар етказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисобрақамларига ўтказилади.

Ўрмон фонди ер участкаларини олиб қўйиш, қайта сотиб олиш ёки вақтинча эгаллаб туриш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари чекланиши ёхуд ўрмон фонди ерларининг сифати ёмонлашуви туфайли улар кўрган зарарни, шу жумладан, бой берилган

фойдани қоплаш учун мўлжалланган маблағлар уларга ер участкаси ажратиладиган тегишли юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси хузуридаги Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлигининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

3-боб. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш

17. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг зарарларини қоплашдан ташқари янги ерларни ўзлаштириш ёки мавжуд ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун мелиорация ва агромилиорация тадбирларини амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорлар ишлаб чиқариш фаолиятдан чиқарилиши муносабати билан тармоқда ишлаб чиқарилмайдиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тиклаш мақсадида қопланади.

Олинмаган маҳсулотни тиклаш бўйича давр сифатида тўрт йил қабул қилинади, шу давр ичида янги ерларни ўзлаштириш ёки мавжуд суғориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш учун ер участкаси танланиши, лойиҳалаштириш, қурилиш ва мелиорация ишлари, шунингдек, агромилиорация тадбирлари амалга оширилиши керак.

18. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари қуйидаги ҳолларда аниқланади ва қопланади:

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари, шу жумладан, деҳқон ва хўжалигини юритиш учун жисмоний шахсларга берилган ер участкаларидаги қишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйиш, ҳақ тўлаб олиш ёки вақтинча эгаллаб туриш ҳамда уларни қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган ёки қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлган, лекин қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг фойдаланишдан чиқариб юборилишига олиб келадиган мақсадлар учун бериш;

қурилаётган сув омборлари, сув таъминоти манбалари, курортлар, магистраль каналлар ва коллекторлар, йўллар, қувурлар, электр энергияси узатиш ва алоқа линиялари, шунингдек, бошқа объектлар атрофидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, қўриқлаш, санитария ва химоя ҳудудлари чегараларини белгилаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларини фойдаланишдан чиқарган ёки уларни камроқ қийматли ерга ўтказган ҳолда, ер участкалари фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини чеклаш;

юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашиши.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 87-моддасига мувофиқ ер участкалари қуйидагилар учун олиб қўйилган ҳолатларда қопланмайди:

ер участкалари дафн этиш жойларини ташкил қилиш учун, давлат таълим ва даволаш муассасалари, интернатлар, болалар уйлари қуриш учун олиб қўйилганда;

ер участкалари сув хўжалигига мелиоратив объектлар ва гидротехника иншоотлари қурилиши учун ажратилганда;

ер участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш учун берилганда;

ер участкалари мудофаа эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;

ер участкалари умумий фойдаланишдаги темир йўллар, автомобиль йўллари ёки аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари қурилиши учун олиб қўйилганда;

ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини жиҳозлаш эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда.

Қолган барча ҳолларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни тўлиқ қопланиши лозим.

19. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори олиб қўйилаётган экин ерлари, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мева кўчатлари, мевазорлар ва бошқалар), бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларидаги ерларнинг майдонидан келиб чиқиб ҳисобланади.

20. Ер участкалари берилаётган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича маблағлар тўлаб берилиши мажбурий ҳисобланади ва қуйидагича тақсимланади:

суғориладиган ерлар учун компенсация тўловининг (ҳисобланган маблағнинг) 90 фоизи, лалми ерлар, суғориладиган ва лалми бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун компенсация тўловининг (ҳисобланган маблағнинг) 95 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

суғориладиган ерлар учун компенсация тўловининг (ҳисобланган маблағнинг) 9 фоизи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ва 1 фоизи “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖга, лалми ерлар, суғориладиган ва лалми бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун компенсация тўловининг (ҳисобланган маблағнинг) 4,5 фоизи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ва 0,5 фоизи “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖга ўтказилади.

21. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 9 ва 44¹-моддалари талаблари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер тоифасидан

ер фондининг бошқа тоифасига ўзгартирилган ер майдонларини олувчи жисмоний ёки юридик шахслар томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини қоплаш бўйича маблағлар ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган тақдирда, ер участкаси берилган шахсга талабнома юборилади ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириш чоралари кўрилади.

22. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш мақсадида очилган даромад ғазна ҳисобварақларига тушган маблағлар ҳисоби ва маълумоти бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли ахборот тизимини Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига “Рақамли ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинган ҳолда маълумот алмашилади.

23. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича:

ер участкалари берилган шахсларга талабномалар юборади;

қопланмаган маблағларни ундириш учун талабномалар киритилган кундан бир ой ўтгач, судларга даъво аризалари киритади, аукцион савдоларида сотилган ер участкаларининг тўловлари бундан мустасно.

24. Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича:

ер участкалари берилган шахсларга талабномалар юборади;

қопланмаган маблағларни ундириш учун талабномалар киритилган кундан бир ой ўтгач, судларга даъво аризалари киритади, аукцион савдоларида сотилган ер участкаларининг тўловлари бундан мустасно.

25. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари ушбу маблағларнинг ўз вақтида тушишини ва ҳисобга олинишини, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўналтирилишини таъминлайди.

26. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича келиб тушган маблағларнинг алоҳида ҳисоби юритилади ва мазкур маблағлар, қоида тариқасида, тегишли ер участкаси олиб қўйилган туман (шаҳарлар) учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 88-моддасига мувофиқ қуйидаги тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилади:

янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш;

тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

коллектор-дренаж тармоқларини куриш ва қайта куриш, суғориладиган ерларни капитал режалаштириш ҳамда уларнинг сув билан таъминланиш даражасини ошириш;

пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш;

ер тузиш, ер кадастри, ер мониторинги ва тупроқ жиҳатидан изланишлар олиб бориш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ҳамда бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ёки тузатиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича қарзларни тўлаш учун судларга даъво аризалари киритилганда, давлат божларини ва суд харажатларини тўлаш.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига келиб тушган маблағлардан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарорига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга, қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа тадбирларни амалга оширишда ҳам фойдаланилиши мумкин.

27. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари юқорида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тегишлилиги бўйича тушган маблағлар доирасида ишларнинг буюртмачилари ҳисобланади, ишлар режаларини тасдиқлайди, молиялаштиришни бошлайди ва ишларни ташкил этади.

28. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озик-овқат таъминоти жамғармасига тушган маблағлар ушбу жамғарманинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ штат бирликларини сақлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича қарзларни тўлаш учун судларга даъво аризалари киритилганда, давлат божларини ва суд харажатларини тўлаш, нобудгарчиликлар ҳисобини юритиш жараёнларини рақамлаштириш ва бошқа мақсадлар учун йўналтирилади.

Бунда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришни самарали ташкил этиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги учун белгиланган бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озик-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан вазирлик марказий аппаратида 3 та штатдан иборат алоҳида бўлим

ва вазирликнинг барча ҳудудий органларида 1 штат бирлигидан иборат алоҳида лавозим ташкил этилади ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан сақланадиган штат birlikлари учун қўлланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

29. Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлар алоҳида ҳисобга олиб борилади. Улардан қуйидаги мақсадларда белгиланган тартибда фойдаланилади:

ўрмонлар ва ўрмон мевали дарахтзорларини барпо этиш ва тиклаш, қумли ерлар, сув ҳавзалари ҳамда дарёларнинг қирғоқбўйи минтақаларида дарахтзорлар барпо этиш, шунингдек, ўрмон ерлари ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш;

тоғ ёнбағирларида супа олиш ва эрозияга қарши бошқа тадбирларни амалга ошириш;

янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш;

коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта қуриш, суғориладиган ерларни капитал режалаштириш ҳамда уларнинг сув билан таъминланиши даражасини ошириш;

пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш;

ўрмон тузиш, ўрмон кадастри, ўрмонзорлар мониторинги бўйича лойиҳа ҳужжатларини ҳамда бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ёки тузатиш;

автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратиш ва жорий этиш;

ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича қарзларни ундириш учун судларга даъво аризалари киритилганда, давлат божларини ва суд харажатларини тўлаш.

30. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича ҳисобланган маблағлар бўйича дебитор қарздорликнинг ундирилган суммаси унга қўшиб ёзилган пеня билан бирга ушбу Низомнинг 20-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

Айрим ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида улардан Қорақалпоғистон Республикасининг ёки тегишли вилоят (Тошкент шаҳри)нинг бошқа туманларида фойдаланиш мумкин.

31. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушган маблағларнинг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобот йилида олиб қўйилмайди, кейинги йилга ўтади ва улардан ушбу Низомнинг 26, 28 ва 29-бандларига мувофиқ ишларни бажариш учун фойдаланилади.

32. Ер ажратиш лойиҳасини натурага кўчириш фақат ер участкалари бериладиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни қоплангандан кейин амалга оширилади.

33. Илгари берилган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича ҳисобланган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

34. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати, унумдорлиги ва фойдаланиш самарадорлиги ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш ишларини бажариш даврида йўқотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати ҳисобга олинган ҳолда уларнинг ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш зарурлигидан келиб чиқиб белгиланади.

35. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_{к/хм} = \{[(C_{суғ.} \times B_6 \times S_{суғ.} \times 10) + (C_{лал.} \times S_{лал.} \times 20) + (C_{суғ.} \times B_6 \times S_{б.суғ.} \times 10 \times 0,1) + (C_{лал.} \times S_{б.лал.} \times 20 \times 0,1) + (C_{п.я.} \times S_{п.я.} \times 20)] \times K_n\}$$

бунда:

$N_{к/хм}$ – қишлоқ хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги, минг сўм;

$C_{суғ.}$ – суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно) олиб қўйиладиган 1 гектари ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 37-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$C_{лал.}$ – олиб қўйиладиган 1 га лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 38-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$C_{п.я.}$ – олиб қўйиладиган 1 га пичанзор ва яйловлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 40-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

B_6 – олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар тупроқларининг ўртача бонитет баллари, балл;

$S_{суғ.}$ – олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинлари майдони (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно), га;

$S_{лал.}$ – олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар майдони, га;

$S_{б.суғ.}$ – олиб қўйиладиган суғориладиган бўз ерлар майдони, га;

$S_{б.лал.}$ – олиб қўйиладиган лалми бўз ерлар майдони, га;

$S_{п.я.}$ – олиб қўйиладиган пичанзорлар ва яйловлар майдони, га;

10 – олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ва суғориладиган бўз ерлар компенсация тўловини 10 баробарга ошириш коэффициентини;

20 – олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар, лалми бўз ерлар, пичанзор ва яйлов ерлар компенсация тўловини 20 баробарга ошириш коэффициенти;

K_n – ушбу Низомнинг 51-бандига мувофиқ қабул қилинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасини индексация қилиш коэффициенти.

36. Олиб қўйиладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фондининг суғориладиган ерлари ва суғориладиган бўз ерлар компенсация тўловини 10 баробарга, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар, лалми бўз ерлар, пичанзор ва яйлов ерлар компенсация тўловини 20 баробарга ошириш коэффициенти қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини ҳисоблашда қўлланади.

37. Олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларининг тупроқ сифати тупроқ бонитировкаси маълумотлари бонитет балларида қабул қилинади. У ҳақида маълумотлар мавжуд бўлмаган янгидан ўзлаштириладиган ер участкалари бўйича бонитет баллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ер ажратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида аниқланади.

Олиб қўйиладиган суғориладиган экин майдонлари (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно) ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши натижасида етказилган зарар қиймати бонитет баллари бўйича ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ қабул қилинади.

38. Олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар ўрнига бериладиган бир хил янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати табиий ҳудудлардаги жойига қараб 1 гектар учун қуйидаги миқдорларда қабул қилинади:

текислик (ёғинлар билан таъминланмаган) ҳудудида – 5 345 минг сўм;
текислик-адир (ёғинлар билан ярим таъминланган) ҳудудида – 7 904 минг сўм;

тоғолди ва тоғ (ёғинлар билан таъминланган) ҳудудида – 9 655 минг сўм.

Қишлоқ хўжалигидан, шунингдек, ўрмон фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиладиган лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар учун компенсация тўлови, олиб қўйиладиган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффициентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг лалми ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдоридан ҳисобланади.

39. Олиб қўйиладиган суғориладиган ва лалми бўз ерлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар ушбу Низомнинг 36-бандига мувофиқ ва лалми экин ери

ушбу Низомнинг 38-бандига мувофиқ ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қийматига 0,1 коэффициентни қўллаган ҳолда аниқланади.

40. Пичанзорлар ва яйловлар олиб қўйилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори озуканинг йўқотиладиган ҳажмини қоплаш учун пичанзорлар ва яйловларнинг тегишли майдонларини тубдан яхшилаш зарурлигидан келиб чиқиб аниқланади.

Пичанзорлар ва яйловларнинг маҳсулдорлиги у билан боғлиқ бўлган баландлик минтақаларига қараб пичанзорлар ва яйловларни тубдан яхшилаш қиймати ушбу Низомига 2-иловага мувофиқ қабул қилинади.

41. Қишлоқ хўжалиги ерлари қишлоқ хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланиш учун ёки ижарага олиб қўйилган ва берилган ҳолатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори қишлоқ хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорига фоиз нисбатида ҳисоблаб чиқилади.

Вақтинча фойдаланиш учун ерни олиб қўйишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорлари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_{к/хвф} = \frac{(N_{к/хн} \times \text{Й}_1 \times 4) + (N_{к/хн} \times \text{Й}_2 \times 2) + (N_{к/хн} \times \text{Й}_3 \times 1),}{100};$$

бунда:

вақтинча берилган ер участкасини қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бузилган ерлар қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳада фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириладиган тарзда тупроқ қатлами бузилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори тўлиқ ҳажмда қопланади.

$N_{к/хн}$ – қишлоқ хўжалиги ерлари доимий фойдаланиш учун олиб қўйилганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори, минг сўм;

Й – қишлоқ хўжалиги ерлари доимий фойдаланишга олиб қўйилганда, қишлоқ хўжалиги нобудгарчиликлари суммасидан қишлоқ хўжалиги ерлари олиб қўйилгани учун ҳисобланадиган фоиз миқдори 10 йилгача – 4 фоиз ($\text{Й}_1 \times 4$), 11 йилдан 30 йилгача – ҳар бир йил учун 2 фоиздан ($\text{Й}_2 \times 2$) ва 31 дан 50 йилгача – 1 фоиздан ($\text{Й}_3 \times 1$);

фоиз миқдори қишлоқ хўжалиги ерлари олиб қўйилган ҳар бир йил учун 10 йилгача 4 фоиз, 11 йилдан 30 йилгача – 2 фоиз ва 31 йилдан 50 йилгача – 1 фоиз миқдорида қабул қилинади.

42. Ўрмонзорларни сақлаш ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарур даражасини таъминлаш мақсадида ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори ерларни маданийлаштириш ва тупрокнинг унумдорлигини ошириш тадбирларини амалга ошириш, янги хўжаликлар ташкил этиш ва олиб қўйилган ўрмонларни тиклаш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда тенг қийматли янги ерларни ўзлаштириш харажатлари зарурлигидан келиб чиқиб аниқланади. Бундан ташқари, суғориладиган деҳқончилик ҳудудида суғориш қиймати, тоғли ҳудудида – супа олиш ёки оддий гидротехника иншоотлари ўрнатиш қиймати, чўл ҳудудида – кўчма кумларни мустаҳкамлаш қиймати ҳисобга олинади.

43. Ўрмонзорларни ўрмон хўжалиги юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун олиб қўйиш ва беришда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ушбу Низомнинг 41-бандида белгиланган тартибда аниқланади.

44. Ўрмон билан қопланган ва дарахти сийрак ерлар, шунингдек, ўрмон ўсимликлари, уруғликли, тугунчали ва саноат плантациялари бўлган ёнғоқ мевали, мевали ва бошқа қимматли турлар билан банд бўлган ерлар олиб қўйилганда, ўрмон хўжалиги нобудгарчиликлари суммаси янги ерларни ўзлаштириш ва монанд дарахтзорлар барпо этиш бўйича ишларни бажариш даврида ўрмон маҳсулотларини сотишдан олинadиган фойда ва қўшимча фойдаланиладиган маҳсулотлар нобудгарчилиги ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_{\text{ў/х}} = \{[(C_{\text{ў/суғ.}} \times B_{\text{ў/б}} \times S_{\text{ў/суғ.}} \times 10) + (C_{\text{ў/лал.}} \times S_{\text{ў/лал.}} \times 20) + (C_{\text{ў/п.я.}} \times S_{\text{ў/п.я.}} \times 20)] \times K_{\text{и}}\} + T (\Phi_{\text{ўр.мах.}} + \Phi_{\text{ўр.қўш.}})$$

бунда:

$H_{\text{ў/х}}$ – ўрмон билан қопланган майдонлар олиб қўйилганда, ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори, минг сўм;

$C_{\text{ў/суғ.}}$ – олиб қўйиладиган 1 гектар суғориладиган ўрмон ерлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш зарурлигидан келиб чиқиб аниқланадиган ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг солиштирма миқдори ушбу Низомнинг 37-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади, минг сўм;

$C_{\text{ў/лал.}}$ – олиб қўйиладиган 1 гектар ўрмон ерларининг лалми шудгор ва суғорилмайдиган ўрмон билан қопланган ерлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 38-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$C_{\text{ў/п.я.}}$ – олиб қўйиладиган 1 гектар ўрмон ерларининг пичанзор ва яйловлари ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 40-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$B_{y/б}$ – олиб қўйиладиган суғориладиган ўрмон ерлари тупроқларининг ўртача бонитет баллари, балл;

$S_{y/суғ.}$ – ўрмон ўсимликлари билан қопланган олиб қўйиладиган суғориладиган ўрмон ерларининг майдони, га;

$S_{y/лал.}$ – олиб қўйиладиган табиий ҳудудлар бўйича ўрмон ерларининг жойлашишига қараб суғорилмайдиган лалми шудгор ва ўрмон билан қопланган ерлари майдони, га;

$S_{y/п.я.}$ – олиб қўйиладиган табиий ҳудудлар бўйича ўрмон ерларининг жойлашишига қараб суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар майдони, га;

10 – олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ва суғориладиган бўз ерлар компенсация тўловини 10 баробарга ошириш коэффициенти;

20 – олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар, лалми бўз ерлар, пичанзор ва яйлов ерлар компенсация тўловини 20 баробарга ошириш коэффициенти;

K_n – ушбу Низомнинг 51-бандига мувофиқ қабул қилинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасини индексация қилиш коэффициенти;

T – янги ерларни ўзлаштириш ишларини лойиҳалаштириш ва бажариш учун зарур бўлган вақт, йил (ўртача тўрт йилда қабул қилинади);

$\Phi_{yр.мах.}$ – 1 гектардан ўрмон маҳсулотларини (ёғоч-тахта, ёнғоқ, мева, уруғлик, резавор мева) реализация қилишдан олинган ўртача уч йилдаги фойда (хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари бўйича қабул қилинади), йилда/га минг сўм;

$\Phi_{yр.қўш.}$ – 1 гектар ўрмонга қайта ҳисоблаганда қўшимча маҳсулотларни (доривор ва бошқа фойдали ўсимликлар, пичан, асаларичилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар) реализация қилишдан олинган ўртача уч йилдаги фойда (хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари бўйича қабул қилинади), йилда/га минг сўм.

45. Ёнган, нобуд бўлган ўрмон ўсимликлари ўрни, ўрмоннинг дарахт кесиш учун ажратилган дарахтзорга айланмаган жойлари олиб қўйилганда, ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларини қоплашнинг базис ставкалари ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ лалми экин ерлари олиб қўйилгандаги базис ставкаларга, бўш ётган ер ва яланглик олиб қўйилганда – лалми бўз ерлар олиб қўйилганлиги учун базис ставкаларга тенглаштирилади.

46. Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, агар қурилаётган объектларнинг муҳофаза, санитария ва химоя ҳудудларидаги ўрмонзорларни қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришидан чиқариш ёки уларни камроқ қийматли ерга ўтказиш мўлжалланаётган тақдирда қопланади.

47. Қурилаётган объектларнинг муҳофаза, санитария ва химоя худудларидаги ўрмонзорлар муомаладан чиқарилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ушбу Низомнинг 2 ва 3-бобларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда аниқланади.

48. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари бошқа суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларига ўтказилганда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари олиб қўйилишидан нобудгарчиликлар миқдори билан суғориладиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари олиб қўйилиши нобудгарчиликлари миқдори ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

49. Қурилаётган объектлардан фойдаланишда келиб чиқадиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлар сифати ёмонлашиши ҳолатлари объектларни куриш лойиҳаларида назарда тутилиши ва ер ажратишда ҳисобга олиниши керак.

50. Ернинг сифати ёмонлашиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ушбу Низомнинг 2 ва 3-бобларига мувофиқ замонавий ҳолатида ўрмонзорларни олиб қўйишдан нобудгарчиликлар ва ерларнинг кутилаётган ёмонлашишидан кейинги миқдори ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

51. Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматни инобатга олиб ҳисобланган миқдори, шунингдек, ушбу Низомнинг 38-банди ва унга 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг маълумотлари бўйича курилиш материаллари нархлари индексининг ўтган йилги ўзгариши даражасидан келиб чиқиб, жорий йилнинг 31 декабрига қадар ҳар йили Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан индексация қилиниши лозим.

4-боб. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ҳисобини юритиш

52. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ҳисоби “E-ijara” АТда юритилади.

53. “E-ijara” АТда ер фондининг бошқа тоифасига ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар электрон ахборот алмашинуви орқали куйидаги ташкилотлардан олинади:

ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, ер турлари, контур рақами ҳамда ҳуқуқ тўғрисидаги маълумотлар – Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасидан;

тупроқ балл бонитети кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтидан;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари миқдори тўғрисидаги маълумотлар – Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан.

5-боб. Ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар миқдорини қоплаш

54. Ер тўғрисидаги қонунчиликка зид равишда тегишли рухсат олмасдан ўзбошимчалик билан ерларни қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан етказилган зарар қопланади.

Қуйидагилар юридик ва жисмоний шахслар томонидан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўладиган ҳоллар ҳисобланади:

ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар (сунъий кўл ва балиқхоналар ташкил этиш, қурилиш материаллари ва зарарли тупроқ ҳамда тош тўкиш);

ер участкасини ёки унинг бир қисмини ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда чегара тўсиқлари билан эгаллаб олиш, шу жумладан, ушбу ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, улардан қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш;

жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун берилган қишлоқ хўжалиги ерларига эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, ер участкасини ёки унинг бир қисмини ҳуқуқи бўлмаган шахснинг тўлиқ эгалигига, вақтинча фойдаланишга ёхуд бошқача тарзда фойдаланишга топшириш, фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун бериш.

55. Ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар миқдори Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда – Агроинспекция)нинг Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими ҳамда Агроинспекциянинг ҳудудий бошқармалари томонидан ушбу Низомнинг 61-бандига мувофиқ аниқланади.

56. Ушбу Низомнинг 61-бандига асосан ҳисобланган зарар суд тартибида ундирилади ва ундирилган маблағларнинг 95 фоизи Республика бюджетига ҳамда 5 фоизи Агроинспекцияни ривожлантириш жамғармасига ундирилади.

57. Республика бюджетига келиб тушган маблағлардан ушбу Низомнинг 26 ва 28-бандларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

58. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши оқибатида етказилган зарар (шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари)ни аниқлашда суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари балл бонитети аниқланмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши ҳолатлари аниқланган ерларда тупроқ бонитировкаси ишларини бажарувчи ташкилот маълумотига асосан суғориладиган ерлар тупроқларининг бонитет балл кўрсаткичи инобатга олинади.

Ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши ҳолатлари аниқланган ерларда қўшимча равишда тупроқ сифатини ўрганиш (балл бонитетини аниқлаш) ишлари ўтказилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши оқибатида етказилган зарар ва нобудгарчиликлар миқдорини ҳисоблашда суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари балл бонитети аниқланмаган бўлса ёки қўшимча равишда тупроқ сифатини ўрганиш (балл бонитетини аниқлаш) ишлари ўтказилгани учун тупроқ бонитировкаси ишларини бажарувчи ташкилотга белгиланган тартибда хўжалик шартномаси асосида тўловлар амалга оширилади.

59. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Агроинспекция ушбу Низомнинг 60-бандида кўрсатилган маблағларнинг ҳисобга олиншини ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўналтирилишини таъминлайди.

60. Ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$E_{з/м} = \{[(C_{суғ.} \times B_б \times S_{суғ.} \times 10) + (C_{лал.} \times S_{лал.} \times 20) + (C_{суғ.} \times B_б \times S_{б.суғ.} \times 10 \times 0,1) + (C_{лал.} \times S_{б.лал.} \times 20 \times 0,1) + (C_{п.я.} \times S_{п.я.} \times 20)] \times K_и\},$$

бунда:

$E_{з/м}$ – ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши бўйича етказилган зарар, минг сўм;

$C_{суғ.}$ – суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно) қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши бўйича етказилган зарарнинг бир бонитет балли учун қиймати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$S_{\text{лал}}$ – 1 га лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтларни қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши бўйича етказилган зарар қиймати ушбу Низомнинг 38-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$S_{\text{п.я}}$ – 1 га пичанзор ва яйловларни қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши бўйича етказилган зарар қиймати ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

B_6 – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган суғориладиган ерлар тупроқларининг ўртача бонитет балли кўрсаткичи, балл;

$S_{\text{суғ}}$ – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинлари майдони (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно), га;

$S_{\text{лал}}$ – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар майдони, га;

$S_{\text{б.суғ}}$ – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган суғориладиган бўз ерлар майдони, га;

$S_{\text{б.лал}}$ – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган лалми бўз ерлар майдони, га;

$S_{\text{п.я}}$ – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган пичанзорлар ва яйловлар майдони, га;

10 – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ва суғориладиган бўз ерлар бўйича етказилган зарар қийматини 10 баробарга ошириш коэффиценти;

20 – қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар, лалми бўз ерлар, пичанзор ва яйлов ерлар бўйича етказилган зарар қийматини 20 баробарга ошириш коэффиценти;

K_n – ушбу Низомнинг 51-бандига мувофиқ қабул қилинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасини индексация қилиш коэффиценти.

6-боб. Яқунловчи қоида

61. Ушбу Низомда назарда тутилган ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарларни аниқлаш тартибини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Олиб қўйиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ўрнига бериладиган улар билан бир хил янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиши бўйича етказилган зарар ҚИЙМАТИ

| Худудлар | 1 гектар бир хил ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг бир бонитет балли учун қиймати, минг сўм |
|------------------------------|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1624 |
| Андижон | 2784 |
| Бухоро | 2321 |
| Жиззах | 1857 |
| Қашқадарё | 1857 |
| Навоий | 1857 |
| Наманган | 2553 |
| Самарқанд | 2784 |
| Сурхондарё | 3016 |
| Сирдарё | 1857 |
| Тошкент | 2784 |
| Фарғона | 2553 |
| Хоразм | 2321 |
| Тошкент шаҳри | 2784 |

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш ҚИЙМАТИ

| Вертикал зоналарга бўлиниш | 1 гектар пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати, минг сўм | шундан | |
|----------------------------|--|------------------------|--|
| | | тубдан яхшилаш қиймати | ўрни қопланадиган маҳсулотнинг қиймати |
| Чўл минтақаси | 888,0 | 183,2 | 704,8 |
| Адир минтақаси | 1037,9 | 324,6 | 713,3 |
| Тоғ минтақаси | 1457,2 | 243,1 | 1214,1 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 15 ” майдаги 246-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

“2¹. Рақамлаштириш лойиҳаларини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича харажатларни Давлат бюджети параметрларида қуйидаги ишларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар доирасида мазкур ишларни ижрочи ташкилотлар томонидан “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖга шартнома асосида тўлашга рухсат берилсин:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг норматив қийматини аниқлаш;

яйлов ва пичанзорларда ўсимлик турлари бўйича геоботаник тадқиқотлар ўтказиш;

табiiй яйловлар мониторинги ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ҳамда тупроқ бонитировкаси ва суғориладиган ерларда агрокимёвий ва тупроқ шўрланиш картограммаларини тузиш;

тупроқ (ерлар) мониторингини ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи туманларнинг 2025–2030 йилларга мўлжалланган ва лойиҳалаштиришдан олдин амалга ошириладиган ер тузиш чизмаларини ишлаб чиқиш ишлари”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентида:

а) 23-бандда:

“а” кичик банд қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти”;

“б” кичик банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қишлоқ хўжалиги вазирлигига – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари бўйича”;

б) 30-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ер участкасининг эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига қопланиши керак бўлган зарарлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари (мавжуд бўлган тақдирда) миқдорлари ва уларни қоплаш муддатлари”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 22-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ер участкаси қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг миқдори (лотнинг бошланғич нарҳини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланилганда, нобудгарчилик миқдори пасайтирилмайди)”;

еттинчи–ўн бешинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи–ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 45-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ер участкаси қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг миқдори”;

еттинчи–ўн биринчи хатбошилар тегишлича саккизинчи–ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг миқдори – қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерларини, шу жумладан, жисмоний шахслар эгалигидаги ва фойдаланишидаги қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашуви туфайли қопланадиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни”;

б) 10-банднинг биринчи хатбошисидаги “давлат рўйхатидан ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган” сўзларидан кейин “, шунингдек, Агропортал орқали “YERELEKTRON” ААТга юборилган ер фонди тоифалари ўзгартирилган” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 15-банд куйидаги мазмундаги “г” кичик банд билан тўлдирилсин:

“г) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифалари ўзгартирилган ер участкалари бўйича қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини белгилаш учун “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларига”;

г) куйидаги мазмундаги 17²-банд билан тўлдирилсин:

“17². Аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкаларининг бошланғич нархини белгилашда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари миқдори ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишлари ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатлар сифатида ҳисобга олинади ва ер участкаларини баҳолаш жараёнида инобатга олинади”;

д) 25-бандда:

куйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ер участкаси қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг миқдори”;

ўн тўртинчи–ўн саккизинчи хатбошилар тегишлича ўн бешинчи–ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) куйидаги мазмундаги 39¹-банд билан тўлдирилсин:

“39¹. Ер участкаларининг қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчиликлари миқдорини қоплаш учун алоҳида тўланган компенсация тўловлари суғориладиган ерлар учун компенсация тўловининг 90 фоизи, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун компенсация тўловининг 95 фоизи Республика бюджетига ҳамда мос равишда 10 ва 5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармасига ўтказилади”;

ж) 41-бандда:

учинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ер участкаси ер участкаларини танлаш материалларини келишиш, хулосалар олиш ва маълумотлар тақдим этиш учун мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган ташкилотларга юбориш талаб этилмайди (“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юбориш ва келишиш бундан мустасно)”;

олтинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда ижара шартномасида дирекция билан аукцион ғолиби ўртасида инвестиция мажбуриятлари бажарилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги тўловлари ўз вақтида тўланиши тўғрисида битим имзолаш мажбурияти юкланади”;

з) 43-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“43. Ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилишдан келиб тушган пул маблағлари мазкур Низомнинг 39-банди “а” – “е” кичик бандларида назарда тутилган, ҳақиқатда қилинган харажатлар, шунингдек, мазкур Низомнинг 39¹-бандида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги тўловлари чегириб қолинган ҳолда ягона дирекцияга ўтказилади”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари ва капитал қурилиш объектларининг ягона классификаторини амалга киритиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 30 сентябрдаги 614-сон қарорида:

а) 4-илова (*Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини ўзгартириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламенти*)да:

20-банд иккинчи хатбошидаги “асосий турини ўзгартириш имкониятини кўрсатилади ва” сўзларидан кейин “қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан келишилади ҳамда” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-илованинг “5-босқич” позицияси “Ўздаверлойиха” ДИЛИнинг ҳудудий бўлинмалари субъекти “Тадбирлар” устуни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Табиий ва қишлоқ хўжалигини районлаштириш ҳужжатларига, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳудудларни ихтисослаштириш ва қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш йўналишларига мувофиқ ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини ўзгартириш имкониятини ўрганади;

Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турини ўзгартириш юзасидан тегишли хулосаларни шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали келишилади.”;

б) 4¹-илова (*Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сугорилмайдиган ерларда ер участкасидан рухсат этилган фойдаланишнинг асосий турига мос бўлган объектларни жойлаштиришни (қуришни) назарда тутувчи ички хўжалик ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти*)да:

1-банд учинчи хатбошидаги “тасдиқлашга” сўзидан кейин “ҳамда деҳқон хўжаликларига” сўзлари билан тўлдирилсин;

2-банд саккизинчи хатбошидаги “ерлари тоифасидаги” сўзларидан кейинги “суғорилмайдиган” сўзи чиқариб ташлансин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ер тузиш лойиҳасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғорилмайдиган ерларда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи объектлар (чорва молларини парваришlash ва сақlash, енгил конструкцияли иссиқхона ва музлаткичли омборхоналар, саралаш ва қадокlash жойлари, сувни тежайдиган суғориш технологиялари қурилмалари ва ҳовузлари, трансформатор станциялари, муқобил энергия иншоотлари, дала шийпони, техника парки ҳамда Фойдаланиш мақсадлари бўйича капитал қурилиш объектларининг классификаторида назарда тутилган бошқа объектлар) ижарага берилган жами ер майдонининг бир фоизидан ошмаган, бироқ чорвачилик йўналишида 1 гектардан, бошқа йўналишларда 20 сотихдан кўп бўлмаган қисмидаги дала четида жойлаштирилиши мумкин”.

8-банд иккинчи хатбошидаги “давлат реестридан кўчирма” сўзлари “ижарага берилган жами ер майдонларининг (барча кадастр рақамлари бўйича) давлат реестридан кўчирмалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

“3-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “ишлаб чиқиш юзасидан” сўзлари “ишлаб чиқиб” сўзлари билан алмаштирилсин;

“4-босқич” позицияси “Тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳасини ва хулосаларни кўриб чиқиб, тасдиқлайди ҳамда ижрочига юборади.”

“5-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “1. Ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади.” сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2025 йил 18 сентябрдаги 594-сон қарорининг 2-банди еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги “контур” сўзи “жами ер” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “ 15 ” майдаги 246-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 30 майдаги 222-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Худуднинг мастер режасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида” 2024 йил 12 августдаги 497-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ер ҳисобини юритишни мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2025 йил 10 январдаги 4-сон қарорига илованинг 2-банди.

